

Ўзбекистон Республикаси номидан

X V K M  
**Protected by PDF Anti-Copy Free**

2019 йил сентябрь ойининг 13 кuni жиноят ишлари бўйича Касби туман суди, Қарши шаҳар судининг биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи суд раиси М.Ошпаева, судья ёрдамчиси М.Сиддиқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат прокурорининг ёрдамчиси Касби туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Узоқов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-адвокатлар Х.Нормуродов, С.Таджибаев ва [REDACTED] бўрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси - адвокат З.Эшонқуловларнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан 1811-1901/25-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] - 1989 йил 30 март кuni Миришкор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “ [REDACTED] ” МЧЖ қўриқлаш хизматида қоровул бўлиб ишлаган, судланмаган, Миришкор тумани “ [REDACTED] ” қишлоғи “ [REDACTED] ” МФЙ “ [REDACTED] ” кўчаси [REDACTED] -уйда яшаган, эҳтиёт чораси сифатида қамоқ қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 1 июль кuni олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 103-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 238-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни муҳокама қилиб ва жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

#### **А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи [REDACTED] 2012 йил 12 декабрь кuni [REDACTED] билан турмуш қуриб, ўрталарида бир нафар фарзанд бўлиб, [REDACTED] уй бекаси бўлганлиги сабабли унга моддий жиҳатдан қарам эканлигидан фойдаланиб, уни уйдан мустақил чиқиб киришга бўлган ҳуқуқларини чеклаб, [REDACTED] ни жисмоний ва руҳий азоб чекишига олиб келадиган қўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиб, уни уриб, қийнаб, эркинликларини чеклаб, шаъни ва ғурурини мунтазам таҳқирлаб, ҳақоратлаб, таъқиб қилиб, унга раҳмсиз муомала қилиб, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиши натижасида уни ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказган.

Хусусан, [REDACTED] 2013 йилда турмуш ўртоғи [REDACTED] ни “нима учун шимни дазмолламадинг”-деб, тарсаки уриб, уни ҳақорат қилган ва 2014 йил январь ойида [REDACTED] ни уриб ҳақорат қилиб, у билан яшамасликни айтиб, ота-онасининг яшаш уйига ҳайдаб юборганида, [REDACTED] онасининг соғлиги ёмонлашиб қолишини уйлаб, тоғаси [REDACTED] нинг уйига бориб яшаган ва қариндошларининг аралашуви билан [REDACTED] оиласини сақлаб қолиш учун турмуш ўртоғи билан ярашган.

2014 йил 14 сентябрь куни [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] билан жанжал пикариб, уни турли жойларига уриб, ҳақорат қилиб, унга руҳий азоб бериш учун у билан яшамаслигини айтиб, ота-онасининг яшаш уйига ҳайдаб юборган. [REDACTED] насининг соғлиги ёмонлашиб қолишини уйлаб, опаси [REDACTED] нинг уйида яшаган ва 2014 йил 22 сентябрь куни [REDACTED] нинг [REDACTED] дошлари томонидан [REDACTED] уйига олиб келиниб, яраштирилган.

Шундан сўнг, 2014 йил 22 сентябрь кунидан улар бирга яшашни давом эттиришиб, [REDACTED] нинг у билан ажраша олмаслигига амин бўлиб, унга беписанд муносабатда бўлиб, 2014 йил октябрь ойининг бошида [REDACTED] нинг “уйга кеч келманг, доим кеч келасиз”-деб айтган гапидан жаҳли чиқиб, [REDACTED] ни уриб, ҳақорат қилиб, унга руҳий азоб бериш учун у билан яшамаслигини айтиб, ота-онасининг яшаш уйига ҳайдаб юборган.

Ҳолат бўйича “ [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғини маъсул ходимлари томонидан [REDACTED] ни отасини уйига яраштириш учун борилиб [REDACTED] ва [REDACTED] лар яраштирилган ҳамда “ [REDACTED] ” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2014 йил 17 ноябрь куни тегишли далолатнома расмийлаштирилган.

Шундан сўнг, 2014 йил 17 ноябрь кунидан улар бирга яшашни бошлаб, [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] нинг бошқа фарзанд кўра олмаслигини билиб, бундан жаҳли чиқиб, мунтазам равишда уни камситиб, ҳақорат қилиб, тазйиқ ўтказиб, таҳқирлаб келган.

[REDACTED] жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2018 йил октябрь ойининг бошида турмуш ўртоғи [REDACTED] билан тортишиб қолиб, уни уриб, ҳақорат қилиб, бирга яшамаслигини айтиб, ота-онасининг яшаш уйига ҳайдаб юборган ва маст ҳолатда турмуш ўртоғининг отасини уйига келиб, қайнонаси билан гаплашиб, турмуш ўртоғини урмаслигини айтиб, турмуш ўртоғи [REDACTED] билан ярашиб, уни уйига олиб кетган.

Бундан ташқари, [REDACTED] 2019 йил 14 январь куни [REDACTED] “ [REDACTED] ” марказига келиб, отасининг иккинчи турмуш ўртоғини кузатиб кўйиб, “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан турмуш ўртоғига совға олиш учун кўчага чиққанлигидан хабар топиб, [REDACTED] га рухсатсиз кўчага чиққанлиги учун телефон орқали уни турли сўзлар билан ҳақорат қилиб, уйдан кетишини талаб қилиб, [REDACTED] га “агарда уйдан кетмасанг 500.000 сўм билан бўлса ҳам бориб, уйдан ўлигингни чиқараман”-деб уни уйдан ҳайдаб юборган.

Ҳолат бўйича “ [REDACTED] ” маҳалла фуқаролар йиғини маъсул ходимлари томонидан [REDACTED] ва [REDACTED] лар яраштирилган ва “ [REDACTED] ” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2019 йил 26 январь куни тегишли далолатнома расмийлаштирилган.

Судланувчи [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] билан яшаб келиб, шахсиятини таҳқирлашни давом эттириб, [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] нинг муттасил азобларига, қийноқларига ва уни ҳаракатланиш ҳуқуқини чеклаб, руҳий эзишларига чидай олмасдан, ҳаётдан

тўйиб, бу каби яшашдан ўзини-ўзи ўлдиришни маъқул кўриб, 2019 йил 16 март куни турмуш ўртоғи билан яшаб келаётган яшаш ҳовлисидаги тандирхона шифтидаги болорга боғланган симга ипдан сиртмоқ ясаб, ўзини-ўзи осиб вафот этган. [Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark](#)

Суд-тиббиёт экспертизасининг 2019 йил 16 апрелдаги 73-Мурда сонли хулосасида, [REDACTED] ўлими осилиш туфайли бўйин аъзоларининг сиртмоқ билан к [REDACTED] и натижасида юзага келган механик асфиксиядан келиб чиққанлиги [REDACTED] лган.

Судланувчи [REDACTED] ушбу жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 103-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига иқроорлик билдирмасдан, 2012 йилда [REDACTED] билан турмуш қурганлигини, 2013 йилда фарзанди туғилганлиги, 2019 йил 15 март куни қайнонаси кўнғироқ қилиб, сумалак пиширилиши муносабати билан бўладиган тадбирга кизини ёрдамга юборишлигини айтганлиги сабабли турмуш ўртоғини ўғли билан бирга қайнонасининг уйига элтиб қўйганлигини ва шу куни кечки вақтда турмуш ўртоғи ва ўғлини уйига олиб қайтганлигини, 2019 йил 16 март куни соат 9ларда юмушлари билан Муборак туманига кетганлигини, шу куни соат 20:30 ларда уйига қайтиб келганлигини, уйига келганида дарвозаси олдидаги чироқ ёқилмаган ҳолатда турганлигини, дарвозани очиши учун автомашина сигналинини босганида ҳеч ким чиқмаганлигини, автомашинадан тушиб дарвозани очиб уйига кирганлигини, яшаш хонасига кирганида телевизор кўйилган ҳолда бўлиб, ўғли ухлаб ётганини кўрганлигини, турмуш ўртоғини чақирганида жавоб бермаганлигини, ҳовлидаги чироқларни ёққанида турмуш ўртоғи тандирхона олдидаги ёғочга боғланган симга арқон билан ўзини осганлигини кўрганлигини, турмуш ўртоғини кўтариб, бўйнидаги ипни ечиб, шифокорларни чақирганлигини, шифокорлар текшириб кўриб, турмуш ўртоғи вафот этганини айтишганлигини, воқеа содир бўлган куни турмуш ўртоғи билан жанжаллашмаганлигини, 2019 йил январь ойида Муборак туманида ишга бўлган вақтида турмуш ўртоғи рухсатсиз отасининг иккинчи оиласини уйига киритганлиги ҳақида қайнонасидан эшитиб, турмуш ўртоғига у аёлни уйдан чиқариб юбориши ҳақида кўнғироқ қилиб айтганлигини, турмуш ўртоғи унинг гапидан аразлаб, онасининг уйига кетганлигини, ушбу ҳолат маҳалла раиси томонидан ўрганилиб, турмуш ўртоғи билан яраштириб қўйилганлигини, маҳаллада тузилган далолатномани ўқимаган бўлсада, имзо чекканлигини, турмуш ўртоғи билан тинч ва тотув яшаб келганлигини, турмуш ўртоғини қийнамаганлигини, унга руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатмаганлигини, турмуш ўртоғи [REDACTED] 2014 йилда отасининг уйига аразлаб кетишига биргаликда алоҳида яшашни хоҳлаб, ушбу масала бўйича тортишиб қолганлиги сабаб бўлганлигини, турмуш ўртоғи бошқа фарзанд кўра олмаслигидан сикилиб юрганлигини, фарзанд кўра олмаслиги сабаб жанжаллашмаганлигини, охириги вақтларда у ухлай олмаётганлиги, қизиб кетаётганлиги, ёмон туш кўраётганлигини айтганлигини, қайинукаси [REDACTED] га турмуш

ўртоғи [REDACTED]нинг ўлими юзасидан даъвосидан кечиши ҳақида босим ўтказмаганлигини, фақат унга тухмат қилмаслиги ҳақида айтганлигини, турмуш ўртоғи [REDACTED]ни ма сабабдан ўз жонига қасд қилганлигини (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) билмаслигини, уни уриб қийнамаганлигини баён қилиб, ишни қонуний ҳал қилишни сўради.

Судланувчи [REDACTED] сўрашга иқдорлик билдирмасда, унинг ушбу жиноятни содир қилганлигидаги далиллар мажмуи билан яъни; жабрланувчининг қонуний ҳақлари [REDACTED]нинг судда марҳума [REDACTED] синглиси эканлиги, у 2012 йилда [REDACTED] билан турмуш қурганлиги, ўрталарида 2013 йилда туғилган бир нафар фарзанди борлиги, синглиси [REDACTED] аппендицит касаллигига чалиниб, туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳлик амалиётини бошидан кечирганлиги, жарроҳлик амалиёти мобайнида унинг уруғдони кесилганлиги, шундан сўнг синглиси бошқа фарзанд кўра олмаслиги ҳақида билганлиги, 2019 йил 14 январь куни синглиси [REDACTED] аразлаб, опаси [REDACTED]нинг уйига келганлиги, аразлаб келишига отасининг иккинчи турмуш ўртоғини кузатиб қўйиш учун кўчага чиққанида куёви [REDACTED]га кўнғироқ қилиб, уни ҳақорат қилиб, ҳайдаб юборганлиги сабаб бўлганлиги, синглиси [REDACTED] опаси [REDACTED] ва онасининг уйида 10-15 кун яшаганлиги, [REDACTED] турмуш ўртоғини олиб кетиш учун келмаганлиги сабабли туман ИИБ ходимлари орқали [REDACTED]ни чақиришганлиги, синглиси [REDACTED]нинг ҳаракатларидан норози бўлиб туман ИИБга ёзган аризаси билан танишганлиги, бу ҳолат ҳақида “[REDACTED]” маҳалласи раисига айтилганлиги, маҳалла иштирокида улар яраштириб қўйилганлиги, шундан сўнг синглиси [REDACTED] уйига аразлаб келмаганлиги, синглиси [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] “нега сен мени милицияга бердинг”-деб таъна қилаётганлиги ҳақида айтганлиги, онасининг уйида сумалак пиширилиши муносабати билан тайёргарлик кўрилаётганлиги сабабли 2019 йил 15 март куни синглиси [REDACTED] ўғли билан биргаликда уйига келганлиги, шу куни у уй ишларига ёрдам берганлиги, соат 21:30ларда уни турмуш ўртоғи [REDACTED] келиб олиб кетганлиги, 2019 йил 16 март куни соат 21:30ларда онаси [REDACTED]га кўнғироқ қилиб, “Эртага сумалак қилмоқчимиз, [REDACTED]ни соат бларда олиб келинг”-деб айтганида, [REDACTED] телефонни ўчириб қўйганлиги, соат 23:40 ларда [REDACTED]нинг укаси [REDACTED] кўнғироқ қилиб, [REDACTED] ўзини осиб қўйганлиги ҳақида айтганлиги, синглиси [REDACTED]нинг уйига борганида уни тандирхонада осилганлигини гувоҳи бўлганлиги, баъзи вақтларда синглиси [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] уриб, қийнаб келишидан шикоят қилиб келганлиги, 2019 йил 15 май куни [REDACTED] кўнғироқ қилиб, “Синглингни қўлини қачон тикдиргандинг, синглинг учун бирор сўм сарфлагансанми, хотинимни кўмишга нима учун бермадинг, мени бўғганлигинг учун жавоб берасан, учта фарзандингни ўлдираман, [REDACTED] опангни ишга қўшилишга ҳаққи йўқ, отанг ҳам ҳеч нарса қилолмайди, истаган жойига ёзаверсин”-деб, ҳақорат қилганлиги, унинг бу гапларини маҳалла профилактика инспектори

███ га эшиттирганлиги, ███ нинг яқин қариндошлари томонидан моддий ва маънавий зарар тўлик қолланганлиги, марҳума синглисининг бир нафар вояга етмаган фарзанди етим қолмаслиги, фарзанди отасининг бағрида ўсишлиги сабабли ███ га нисбатан даввоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ ███ нинг марҳума ███ кенжа қизи эканлиги, у 2012 йилда ███ н турмуш қурганлиги, ўрталарида бир нафар фарзанди бўлганлиги, 20███ 14 январь куни қизи ███ аразлаб опаси ███ нинг уйига келганлиги ҳақида эшитганлиги, 2019 йил 16 январь куни қизи ███ га кўнғироқ қилганида телефон гўшагини қизи ███ кўтарганлиги, ундан оиласини тинчлиги ҳақида сўраганида у турмуш ўртоғи ███ га “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан совға олиш учун кўчага чиққанлиги сабабли турмуш ўртоғи уйдан ҳайдаб юборганлиги ҳақида айтганлиги, 2019 йил январь ойида Қарши шаҳрида яшовчи иккинчи турмуш ўртоғи ███ куёви ишда бўлганлиги сабабли қизи ███ нинг уйида 6 кун давомида яшаб келганлиги, 2019 йил 16 март куни соат 23:30 ларда ўғли ███ дан қизи ███ нинг уйида осилганлиги ҳақида эшитганлиги, вилоят суд-тиббиёт экспертизасига борганида қизи ███ нинг жасадини кўрганлиги, куёви ███ мунтазам равишда қизи ███ ни қийнаб, жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказиб келганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ ███ нинг судда жабрланувчининг қонуний вакили ███ нинг турмуш ўртоғи эканлиги, қайинсинглиси ███ 2012 йилда ███ билан турмуш қурганлиги, ўрталарида бир нафар фарзанди бўлганлиги, ███ апендицит касаллигига чалиниб, жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказганлиги, операция жараёнида шифокорлар ███ нинг уруғдонини кесиб юборганлиги, шундан сўнг ███ бошқа фарзанд кўра олмаслиги ҳақида билганлиги, 2019 йил 14 январь куни қайинсинглиси ███ қайинотаси ███ нинг иккинчи турмуш ўртоғини уйига меҳмон қилиб, уни кузатиб қўйиш учун кўчага чиққанида турмуш ўртоғи ███ уни ҳақорат қилиб, ҳайдаб юборганлиги сабабли у аразлаб опаси ███ нинг уйига келганлиги ва 10-15 кун давомида яшаганлиги, қайнонаси бу ҳақда маҳалла раисига айтганлиги, маҳалла раиси ███ уларни яраштириб қўйганлиги, шундан кейин у турмуш ўртоғи билан яхши яшаб келганлиги, қайинсинглиси ███ қайинонасига “куёвингиз, мени милицияга бердинг”-деб таъна қилаётганлиги ҳақида айтганлиги, 2019 йил 15 март куни қайинсинглиси ███ уйида сумалак пиширилиши муносабати билан ёрдам бериш учун ўғли билан биргаликда келганлиги, шу куни соат 21:30 ларда уни турмуш ўртоғи ███ олиб кетганлиги, 2019 йил 16 март куни соат 23:40 ларда қайинсинглиси ███ ўзини осганлигини эшитганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ ███ нинг судда марҳума ███ кенжа қизи эканлиги, у 2012 йилда ███ га турмушга чиққанлиги, орадан 1-2 йил



қизи [REDACTED] “ [REDACTED] ” маҳалласида яшовчи [REDACTED] га турмушга чиққанлиги, 2019 йил январь ойида [REDACTED] кўнғироқ қилиб, чақирганлиги, уларни уйига борганида [REDACTED] қизи [REDACTED] турмуш ўртоғи билан келишмасдан уйига аразлаб келганлиги, қизини турмуш ўртоғи билан яраштириб қўйиш кераклигини айтганлиги, бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида [REDACTED] МФЙ раиси [REDACTED] га кўнғироқ қилганлиги, маҳалла [REDACTED] бу келишмовчиликдан хабари борлиги, [REDACTED] ишга қайтиб келгач, яраштириш чорасини кўришлигини айтганлиги, орадан 5-6 кун ўтиб, “ [REDACTED] ” маҳалласига боришганлиги, маҳалласи раиси [REDACTED], туман бош имом хатиби, маҳалла профилактика инспектори, [REDACTED] мархума [REDACTED] ва унинг фарзанди, опаси [REDACTED] ва маҳалла мутахассислари иштирокида уларнинг келишмовчиликлари муҳокама қилиниб, яраштириб қўйилганлиги, мархума [REDACTED] дан келишмовчилик сабаби сўралганида у турмуш ўртоғи [REDACTED] билан телефон орқали тортишиб қолганлиги, турмуш ўртоғи уйдан чиқиб кетишини айтганлиги ҳақида билдирганлиги, бироқ, турмуш ўртоғи урганлигини айтмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED] нинг судда 2018 йил май ойидан буён Миришкор тумани “ [REDACTED] ” маҳалласида оила аъзолари билан биргаликда яшаб келиши, [REDACTED] ва унинг турмуш ўртоғи [REDACTED] лар қўшниси эканлиги, улар билан қўшни сифатида салом-алиқ эканлиги, уларнинг хонадонидан жанжал бўлганлиги ҳақида эшитмаганлиги ва кўрмаганлиги, [REDACTED] турмуш ўртоғининг ҳаракатлари устидан шикоят қилмаганлиги, унинг уйига аразлаб кетганлигидан бехабарлиги, 2019 йил 16 март куни кечқурун қўшниси [REDACTED] уйига келиб, “Опа ёрдам беринг, [REDACTED] ўзини осиб қўйибди”-деб айтганлиги, уларни уйига кирганида [REDACTED] нинг яшаш уйи тандирхонасида ўзини осиб қўйганлигини кўрганлиги, [REDACTED] шифокорлар олиб келганлиги, шифокорлар [REDACTED] ни текшириб кўриб, унинг вафот этганлигини айтишганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED] ларнинг судда гувоҳ [REDACTED] нинг кўрсатувиغا ўхшаш аналогик тарздаги кўрсатувлари;

гувоҳ [REDACTED] нинг судда [REDACTED] нинг иккинчи турмуш ўртоғи эканлиги, 2019 йил 8 январь куни [REDACTED] қизи [REDACTED] нинг уйига бориши ҳақида айтганлиги, [REDACTED] нинг уйига борганида унинг турмуш ўртоғи [REDACTED] яхши муомалада бўлганлиги, 2019 йил 9 январь куни [REDACTED] ишига кетганлиги, шу сабабли унинг уйида 5-6 кун яшаганлиги, 2019 йил 14 январь куни Б.Тўхтаев кўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи [REDACTED] ни сўраганлиги, [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] билан телефон орқали суҳбатлашганлиги, бироз ўтиб, турмуш ўртоғи [REDACTED] кўнғироқ қилиб, уйга қайтишини айтганлиги, шу куни [REDACTED] “ [REDACTED] ” марказига қадар кузатиб қўйганлиги, турмуш ўртоғи [REDACTED] куёви [REDACTED] қизи [REDACTED] га “Нега бегона аёлни уйга киритдинг”-деб

урушганлиги ҳақида айтганлиги, [REDACTED] бирор марта турмуш ўртоғидан шикоят қилмаганлиги, кейинчалик [REDACTED] ни кўчага рухсатсиз чиққанлиги учун урушиб, ҳайдаб юборганлиги ҳақида эшитганлиги, улар ярашиб тинч яшаб бoшлаганликлари, 2019 йил 16 март куни [REDACTED] ўз жонига қасд қилгани ҳақида эшитганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED] ни [REDACTED] да марҳума [REDACTED] холаси эканлиги, 2019 йил 14 январь куни [REDACTED] рухсатсиз кўчага чиққанлиги сабабли турмуш ўртоғи ҳайдаб юборганлиги учун аразлаб келганлиги ва биргаликда уч кун яшаганлиги, холаси [REDACTED] билан унинг турмуш ўртоғига совға олиш учун дўконга боришганлиги, тоғаси [REDACTED] нинг уйига боришганида бувиси [REDACTED] уйига қайтишини, турмуш ўртоғи [REDACTED] юк жўнатганлиги ҳақида айтганлиги, холаси [REDACTED] билан унинг уйига қайтиб боришганлиги, [REDACTED] га кўнғироқ қилиб, “уйдан чиқиб кет, бўлмаса ўлигингни чиқараман”-деб, уни ҳақорат қилганлиги, сўнг холаси [REDACTED] билан поччаси [REDACTED] юборган таксида “[REDACTED]” марказига боришганлиги, такси ҳайдовчиси холаси [REDACTED] га “келин уйни калитини беринг [REDACTED] айтди”-деб айтганлиги, холаси [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] айрим вақтларда спиртли ичимлик истеъмол қилиб келганида урганлигини айтганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED] нинг судда судланувчи [REDACTED] укаси эканлиги, у 2012 йилда [REDACTED] билан турмуш қурганлиги, ўрталарида бир нафар фарзанди борлиги, укаси [REDACTED] келини [REDACTED] билан тинч-тотув яшаб келганлиги, келини [REDACTED] оила аъзолари билан ҳам яхши муносабатда бўлганлиги, келини бирор марта укаси [REDACTED] нинг ҳаракатларидан шикоят қилмаганлиги, 2014 йилда келини [REDACTED] алоҳида рўзғор асосида яшаш учун укаси [REDACTED] билан тортишиб, аразлаб уйига кетганлиги ҳақида эшитганлиги, сўнг уларни яраштириб, алоҳида яшаш учун чиқаришганлиги, шундан буён улар тинч яшаб келганликлари, келини [REDACTED] нима сабабдан ўз жонига қасд қилганлигини билмаслиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED] нинг судда [REDACTED] нинг кўрсатувиغا ўхшаш анологик тарздаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED] нинг судда 2014 йил 17 ноябрь куни “[REDACTED]” маҳалла раиси бошчилигида маҳалла маслаҳатчиси [REDACTED] ва бошқалар [REDACTED] ва [REDACTED] ларни яраштириш масаласи муҳокама қилинаётганида тўсатдан маҳалла идорасига борганлиги, муҳокамада холис сифатида иштирок этганлиги, [REDACTED] алоҳида рўзғор асосида яшашлиги сабабли [REDACTED] билан тортишиб қолганлиги ҳақида айтганлиги, улар яраштириб қўйилганлиги, [REDACTED] ни ёшлигидан танишлиги, [REDACTED] нинг ҳаракатлари устидан маҳаллада бирор марта салбий фикр эшитмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED] нинг судда Миришкор тумани “[REDACTED]” ва “[REDACTED]” маҳалласи профилактика инспектори лавозимида ишлаб келиши, 2019 йил

16 март куни “ [REDACTED] ” маҳалласида яшовчи [REDACTED] ўз жонига қасд қилганлиги ҳақида эшитганлиги ва унинг хонадонига борганлиги, воқеа куни иккала томон бир-бирларини ҳақорат қилишганлиги, 2019 йил май ойи ўрталарида [REDACTED] қўнғироқ қилиб, [REDACTED] ҳақорат қилаётганлигини айтиб, унинг овозини эшиттирганлиги, [REDACTED] га тухмат қилганлигини, синглиси [REDACTED] ни ўлдирмаганлигини айтганлиги [REDACTED] да эшитганлиги, бироқ, [REDACTED] ни тергов ёки [REDACTED] ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилмаганлиги, даввосидан воз кечмаганида болаларини ўлдириши ҳақида айтмаганлиги, [REDACTED] га руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказишни назарда тутувчи сўзлар билан мурожаат қилмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

ҳамда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, суд тиббиёт экспертизасининг хулосаси, ашёвий далил ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ тасдиқланади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] нинг моддий ва бошқа жиҳатлардан ўзига қарам бўлган турмуш ўртоғи [REDACTED] га раҳмсиз муомала қилиб, унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиши натижасида уни ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Жиноят кодекси 103-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] га нисбатан ЖК 238-моддасининг 2-қисми билан айб қўйилиб, хатоликка йўл қўйилган.

Жиноят кодекси 238-моддасининг 2-қисмида суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлғон кўрсатувлар бериш учун гувоҳни ёки жабрланувчига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] дастлабки тергов ва судда [REDACTED] телефон орқали “Мени бўғганлигинг учун жавоб берасан, учта фарзандингни ўлдираман, ишларга [REDACTED] опанг нима учун кўшилди, [REDACTED] опангни ишга қўшилишга ҳаққи йўқ, отанг ҳам ҳеч нарса қилолмайди, истаган жойига ёзаверсин”-деб айтганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Миришкор тумани “ [REDACTED] ” ва “ [REDACTED] ” маҳалласи профилактика инспектори [REDACTED] судда 2019 йил май ойи ўрталарида [REDACTED] қўнғироқ қилиб, [REDACTED] ҳақорат қилаётганлигини айтиб, унинг овозини эшиттирганлиги, [REDACTED] га тухмат қилмаслиги, унга синглиси [REDACTED] ни ўлдирмаганлигини айтганлиги, [REDACTED] га тергов ёки судда ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилмаганлиги, даввосидан воз кечмаганида болаларини ўлдириши ҳақида айтмаганлиги, [REDACTED] га руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказишни назарда тутувчи сўзлар билан мурожаат қилмаганлиги ҳақидаги кўрсатув берди.

Ишдаги ҳолатларга қараганда, судланувчи [REDACTED] нинг жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] га келгусида тухмат қилмаслиги ҳақидаги гапларини жабрланувчининг қонуний вакилини тергов ёки судга ёлғон гувоҳлик беришига руҳий зўриқ ишлатиш йўли билан мажбур қилганликда баҳолаб бўлмайди.

Қонун мазмунига кўра, [REDACTED] тазйиқ ўтказиш айбдор томонидан соғлиқ ёки мулкка зарар етказиш билан қўрқитиш ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилишда ифодаланади.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг ҳаракатида ЖК 238-моддасининг 2-қисми аломатлари мавжуд эмаслиги боис [REDACTED] ни ЖК 238-моддасининг 2-қисми билан оқлашни ва ишнинг шу қисмини ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига иқрорлик билдирмасдан, турмуш ўртоғи [REDACTED] га нисбатан жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказмаганлиги, уни ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун қийнамаганлиги ҳақида важ келтирсада, унинг бу важлари, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, маҳалла томонидан тузилган далолатномалар ва ишда мавжуд бошқа далиллар мажмуи билан рад қилинади.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] судда судланувчи [REDACTED] тергов ва судда ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиб, фарзандларини ўлдириб юбориш билан таҳдид қилганлиги ҳақида важ келтирсада, унинг бу важи гувоҳларнинг кўрсатувлари ва ишда тўпланган далиллар билан рад қилинади.

Суд, судланувчи [REDACTED] га жазо тайинлашда оилавий аҳволини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлигини Жиноят кодекси 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, жабрланувчини қонуний вакилининг даъвоси йўқлигини, етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, жабрланувчининг қонуний вакилининг мархума [REDACTED] нинг вояга етмаган фарзанди отасининг қарамоғида қолиши, унинг бағрида катта бўлиши лозимлиги ҳақидаги талабларини инобатга олиб, [REDACTED] га ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида назарда тутилмаган яъни озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, муайян мажбурият ва чекловлар юклашни, қарамоғида бўлган вояга етмаган фарзандининг ижтимоий таъминотини чекламаслик мақсадида Муборак нефт газ қазиб чиқариш бошқармаси таркибидаги “Қўриқлаш хизмати”да қоровул вазифасида ишлаб келганлиги сабабли иш жойини сақлаб қолиш мажбурияти ва бошқа мажбуриятлар юклашни, ЖК 62-моддасига асосан эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган кунни озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб, мазкур муддатни ўталган деб ҳисоблашни ва чегиришни, жазо ижросини назорат

қилишни Миришкор туман ички ишлар бўлими зиммасига юклашни, қўлланилган қамок эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залида қамокдан озод қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд ашъвий даъво марҳума [REDACTED] ўзини осган бир дона темир бўлаги, 2 метр узунликдаги арқон, тахтадан ясалган бир дона стулни йўқ қилишни, [REDACTED] қилиши томонидан тузилган яраштириш далолатномалари, унга илова [REDACTED] ҳужжатларни ҳамда 17 дона ДВД дискни жиноят иши билан бирг [REDACTED] ни лозим топди.

Бундан ташқари, суд [REDACTED] жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] га етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини ва унинг даъвоси йўқлигини қайд қилишни лозим топди.

Суд баён қилинганларга кўра ва Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-моддасининг 2-қисми билан айбсиз деб топилсин ва реабилитация қилиш йўли билан оқлансин, ишнинг шу қисми ҳаракатдан тугатилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 103-моддаси 2-қисмининг “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланган ҳолда 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] нинг 2019 йил 20 майдан 2019 йил 13 сентябрь кунига қадар эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақланган 3 (уч) ой 24 (йигирма тўрт) куни ЖКнинг 62-моддасига асосан мазкур ҳукм билан тайинланган жазодан чегирилсин ва унга ўташ учун 3 (уч) йил 8 (саккиз) ой 6 (олти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи [REDACTED] га қуйидаги чекловлар юклатилсин:

- сутканинг кеч соат 22<sup>00</sup>дан эрталаб соат 6<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқмаслик;
- алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- иш фаолиятини давом эттириш;
- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ҳудудидан чиқмаслик, яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик, агарда яшаш ёки иш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда назорат қилувчи органни хабардор қилиш.
- сутканинг кеч соат 22 дан эрталаб соат 6га қадар яшаш жойидан чиқмаслик мажбурияти иш кунларида татбиқ этилмасин ҳамда иш кунларида иш жойида эканлигини тасдиқловчи маълумотнома туман ИИБга тақдим қилинсин.

Жазони ижро этиш Миришкор туман ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи [REDACTED] нинг эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин.

Ашёвий далил бир дона темир бўлаги, 2 метр узунликдаги арқон, тахтадан ясалган бир дона стул йўқ қилинсин.

Миришкор тумани [REDACTED] маҳалласи томонидан тузилган яраштириш далилномалари, унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда 17 дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] га етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қанглиги ва унинг даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

М.Очилова